**Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги “Пачкамар сув омборининг электр қурил алмаштириш тизими ҳамда кабелларини замоновий энерго-тежамкор жиҳозларга алмаштириш, сув омборининг фавқулодд иншооти қуйи қисмини ва қирғоқ бўйини мустаҳкамлаш ишларини алмалга ошириш ва сув омбор тўғонидаги бугунги фойдаланилмаётган ичимлик суви қувирларини инъекция қилиш орқали тўлдириб ёпиш ишлари” га смета лойиҳа ҳуж тайёрлаш ишлари**

**Shartnoma№ 38-22 (лот №159272)**

**Тошкент шахри** **2022 yil 21 oktabr**
**(shartnoma tuzish joyi)** **(shartnoma tuzish sanasi)**

АО "O'ZSUVLOYIHA" (bundan buyon - “Bajaruvchi” deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **NADJIMOV MARAT FAXRIYEVICH**, bir tomondan, va "QASHQADARYO VILOYATI SUV OMBORLARIDAN FOYDALANISH BOSHQARM (bundan buyon – “Buyurtmachi” deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **SHUKUROV MASHRAF ABDURASHIDOVICH**, ikkinchi tomondan, birgalikda “Taraflar”, alohida esa “Taraf” deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

**1. Шартнома мазмуни**

**Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to‘laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:**

| № | Tovar nomi (xizmat) | Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo‘yicha identifikasiya kodi va nomi | Tovar/xizmat shtrix kodi | O‘lchov birligi | Miqdori | Narx | Yetkazish bahosi | QQS | | Yetkazish bahosi QQS bilan |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | stavka | summa | |
| 1 | Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги “Пачкамар сув омборининг электр қурилмалари ва ҳаво алмаштириш тизими ҳамда кабелларини замоновий энерго-тежамкор жиҳозларга алмаштириш, сув омборининг фавқулодда сув ташлаш иншооти қуйи қисмини ва қирғоқ бўйини мустаҳкамлаш ишларини алмалга ошириш ва сув омбор тўғонидаги бугунги кунда фойдаланилмаётган ичимлик суви қувирларини инъекция қилиш орқали тўлдириб ёпиш ишлари” га смета лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари | 10005001001000000 – Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш | | xizmat (so‘m) | 1,00 | 32 173 913,04 | 32 173 913,04 | 15,0000 | 4 826 086,96 | 37 000 000,00 |

**Shartnomaning umumiy miqdori O‘ttiz yetti million so‘m 0 tiyin (summa so‘zlar bilan).**

1.1. “Бажарувчи” «Буюртмачи» (ёки «Фойдаланувчи») нинг тасдиқланган техник топшириғига асосан иш қилади.
Шартноманинг умумий суммаси: 37 000 000 (ўттиз етти миллион) сўмни ҚҚС билан ташкил этади.
1.2. “Буюртмачи” кўрсатилган хизмат ва қилинган ишлар хақини тўлашни ўз зиммасига олади.

**2. Хизматларни бажариш тартиби**

2.1. Бажариладиган хизматлар “Бажарувчи”нинг жойида кўрсатилади. ”Бажарувчи” ушбу хизматларни “Буюртмачи” нинг тасдиқланган техник топшириғига асосан бажариши керак.
2.2. ”Буюртмачи” хизматларни бажарилиши учун “Бажарувчи” билан алока килувчи шахсни тайинлайди.
2.4. “Буюртмачи” “Бажарувчи”ни, хизматларни сифатли бажариш учун уз фикирларини таклиф килиш хукукига эга.“Бажарувчи” “Буюрмачи” нинг хар бир чакириги бўйича бажарилган иш, курсатилган хизмат ва сарфланган вакт бўйича хисоб-фактура тузади ва алока килувчи шахснинг имзоси билан тасдиклатиб олади. Зарурият холларида солиштирув далолатнома тузадилар.
2.5. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га бажарилган ишлар учун тўлов кафолатни беради. Ушбу шартномани 1.2.бандидаги талаблар “Буюртмачи” томондан бажарилган холда ишлар бажарилган хисобланади.

**3. Шартнома киймати ва хисоб - китоб тартиби**

3.1. Хисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Хукукшунос тасдикидан ўтгандан сўнг 5 банк иш кунида «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % изи миқдоридаги маблағни олдиндан аванс тариқасида «Бажарувчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.
3.3. Қолган охирги 70 % изи «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган техник хизматлар учун хисоб варақ фактуралари асосида 5 банк иш кунида тўлаб беради.
3.4. «Буюртмачи» томонидан 30 % изи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Бажарувчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада ва унинг иловасида кўрсатилган хизматларни бажаришга киришади.

**4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

4.1. Томонлар бошқа томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.
4.2. “Бажарувчи” хуқуқлари ва мажбуриятлари: - Берилган буюртмага мувофиқ кўрсатилган хизматни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш хуқуқига эга, - Агар хизмат кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса “Буюртмачи” нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.
4.3. “Буюртмачи” хуқуқлари ва мажбуриятлари: - Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёки учунчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини қопланиши талаб қилишга; - Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Бажарувчи” дан талаб қилиш хуқуқига эга.
4.4. Шартнома кучга кириб, тегишли Хукукшунос тасдикидан ўтиб, 5 банк иш кунида «Буюртмачи» курсатиладиган хизматлар учун шартноманинг умумий суммасидан 30% изини олдиндан аванс тарикасида «Бажарувчи» нинг хисоб ракамига утказиб беради.

**5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Бажариладиган ишлар бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун “Буюртмачи” га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматнинг 15 % миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари “Буюртмачи” га кўрсата олмаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
5.2. Хизматларни кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачига” га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизмат қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.
5.3. Кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида хақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Бажарувчи” га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

**6. Низоларни хал этиш тартиблари**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
6.2. Келишув билан хал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилиб, хал қилинади.

**7. Форс-мажор**

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар “Ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа холатларда хам Ўзбекистон Республика Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари”, агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.
7.2. Юқоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

**8. Коррупцияга карши кураш**

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари хар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.
8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халкаро хужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга карши курашишга оид халкаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.
8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг хар бири бошқа Томоннинг ходимларини хар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошка усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига хар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.
Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда қуйидагилар тушунилади:
- бошка контрагентлар билан таққосланганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- хар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошка харакатлар.
8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг коррупсияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома боʻйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тоʻхтатиб туришга хакли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.
8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни такдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халкаро хужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.
8.6. Шартноманинг тарафлари коррупсиянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупсиявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупсиянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун окилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупсиявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш максадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.
8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупсияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.
8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган холда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.
8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупсияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўрисида хабар берган Томон учун хам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун хам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

**9. Бошқа шартлар**

9.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.
9.2. Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.
9.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган хамда хар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган тақдирда хисобга олинади.
9.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси “Бажарувчи”да иккинчи нусхаси “Буюртмачи” да сақланади ва иккала нусха хам хуқуқий жихатдан тенг кучли хисобланади.

**10. Шартнома муддати**

10.1. Ишларни бажариш муддати шартномага мувофиқ 3.4 банд талаби бажарилгандан сўнг 60 кун хисобланади.
10.2. Шартномани томонлар имзолаб Юрист ва Хисобчи тасдикидан ўтган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

## 11. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

**IJROCHI**

**Nomi: AO "O'ZSUVLOYIHA"**
**Manzili: ул.Лабзак 1a**
**Tel.: +998(99)-478-12-08**
**Faks:**
**STIR: 200898475**
**OKED: 71110**
**H/R: 20210000700153874001**
**Bank: ТОШКЕНТ Ш., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИНИНГ БОШ ОФИСИ**
**MFO: 00446**

№2006164142 21.10.2022 14:49:17
YUBORILGAN
NADJIMOV MARAT FAXRIYEVICH
operator: soliqservis.uz

**BUYURTMACHI**

**Nomi: "QASHQADARYO VILOYATI SUV OMBORLARIDAN FOYDALANISH BOSHQARM**
**Manzili: Qashqadaryo viloyati, Qamashi tumani, Qamashi shahri, Luxliko'l qo'rg'oni.**
**Tel.: +998(93)-525-60-65**
**Faks:**
**STIR: 204674585**
**OKED: 22100**
**H/R: 100021860102207042402170002**
**Bank: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗИ**
**MFO: 00014**

№2005424403 21.10.2022 15:17:04
TASDIQLANGAN
ПАРМОНОВ ХАЛИМ РАХМОНОВИЧ